

ФАРМАЦЕВТИК САНОАТДА ИШЛАТИЛАДИГАН МАЛХАМЛАР
НОМЕНКЛАТУРАСИ ВА УЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ

Минаварова Гавхарой Муқимджановна
АДТИ Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада фармацевтик саноатда ишлаб чиқариладиган сақичли - мумли, кўрғошинли, каучук , суюқ малхамлар тайёрланиш усуллари, малхамлар таснифлари, таркибий қисмлари кўриб чиқилган

Калит сўзлар Комбинация, кукун, эритилган, эпидерматик, эндерматик, диадерматик, терапевтик, тозаланган, бактерицид, эритувчан

NOMENCLATURE OF OINTMENTS USED IN THE PHARMACEUTICAL INDUSTRY
AND THEIR APPLICATION

ANNOTATION

In this article it has been considered methods of preparation of gummy - waxy, plumbeous, rubber, liquid plasters which are produced in the pharmaceutical industry, classifications of plasters and their components

Keywords: Combination, powder, dissolved, epidermal, endermatic, diadermal, therapeutic, purified, bactericidal, soluble

Суртмалар каби, малхамлар қадимий, дунёнинг бутун фармакопояларига киритилган дори шакли ҳисобланади. Малхам тайёрланиш жараёнида таркибига киурвчи моддалар дастлаб эритилади, сўнг аралаштириб, сузилади.. Эримайдиган моддаларни дастлаб кукунга айлантдирилади. Сўнг эритилган, сузилган, ва совиб қолган массага аралаштирилган холда қўшилади. Тайёр бўлган аралашмани қолипларга қўйилади ёки матога суртилади.

Асосан малхамлар - бу алюмин туба ёки аэрозоль баллонларга жойлаштирилган , флаконларга қўйилган, цилиндр, қаламча, плитка шаклида қадоқланган қоғоз ёки матога суртилган ингичка қатламли дори шакли. Лекин буларни оддий малхамли масса шаклида(цилиндрсимон ёки конуссимон блокларда, суюқ малхамлар шиша бутилларда) ишлаб чиқариш ҳам мумкин.

Кўп холларда малхамлар заводда ишлаб чиқарилади, аптекаларининг зиммасига малхамли массаларни қоғозга ёки матога суртиб қўйиш киради. Лекин врач малхамни масса шаклида (бўлак, таёкча) ҳам буюриши мумкин Малхам массанинг миқдори врач буюрган юзанинг катталигига боғлиқ. Агар рецептда массанинг миқдори белгиланмаган бўлса қатламнинг қалинлиги 1 ммдан ошмаслиги керак. Аптека шароитида малхам массани аниқ шакли матога суртиш учун юпка тунукадан тайёрланган махсус шаблонлар қўлланилади. Стандарт шаблон лар қўл кафти, билаги , кулоқ, карта, А4 форматдаги листнинг 1/8 ва ¼ бўлиши мумкин.

Эпидерматик малхамларда кўп холларда доривор моддалар бўлмайди; уларни боғловчи материал, тери устидаги боғламларни мустаҳкамлаш учун, жароҳатларнинг чегараларини яқинлаштириш учун тери дефектларини яшириш учун ва ташқи муҳит таъсиридан сақлаш учун қўлланилади.. бундай малхамни қўллаш жараёнида

транспирация, газ-, намлик-, иссиқлик алмашинуви тўхтатилади, бунинг натижасида тери юмшайди, регионар қон айланиши кучаяди, турли ҳил инфилтратлар сўрилиши яхшиланади. Эпидерматик малҳамлар териға маҳкам ёпишиб, уни тирламаслик керак. Эндерматик малҳамлар таркибида албатта терапевтик таъсирға эға бўлган доривор моддалар (кератолитик, депиляциян ва б.) бўлиши шарт. Улар тери касалликларида қўланилади.

Диадерматик малҳамлар таркибига тери орқали ўтиб, чуқурроқ жойлашган тўқималарға таъсир этувчи ёки умумий даволовчи таъсир кўрсатувчи доривор моддалар киради. Эндерматик ва диадерматик малҳамлар эпидерматик малҳамлардан юмшоқроқ бўлади ва доривор моддаларни белгиланган чуқурликка таъсир этишини осонлаштириш керак

15.4.3. КАУЧУК МАЛХАМЛАР

Каучук малҳамларни синтетик ва табиий вулканлашмаган каучук асосида сақич, бальзам, ёғсимон моддалар қўшиб тайёрланади.

Каучук малҳамнинг афзаллиги - терининг тирновчи хусусияти йўқлиги, афзалликлари - кўп дори воситаларға бепарқлиги, хаво ва намликни утказмаслиги.

Камчиликлари - ёпишқоқлиги ва суёт эгилувчанлиги. Шуларни бартараф этиш мақсадида каучук малҳамға канифоль қўшилади. Лекин канифольни таркибида эркин сақич кислоталар борлиги учун терини тирнаш хусусиятиға эға. Шунинг учун массанинг таркибига рух оксиди қўшилади. У ўз навбатида сақич кислоталар (резинатлар) рух тузларини хосил қилади. Бундан ташқари, бу модданинг қуритувчи таъсири бор.

Санаб ўтилган компонентлардан ташқари, малҳамли массаға ланолин ва суюқ парафин қўшилади.

Каучукни қаришини олдини олиш ва эластиклигини йўқотмаслиги учун антиоксидантлар киритилади (неозон Д, параоксидифениламин, эджрайт в.б.). Каучук малҳамлар гуруҳиға лейкопластырь, бактерицид лейкопластырь, қалампирли малҳам, «Салипод», горчичниклар киради.

Лейкопластырь (*Leucoplastrum*), (*Emplastrum adhaesivum elasticum extensum*), таркиби:

- Табиий каучук 25,7 қисми;
- Канифоль 20,35 қисми;
- Рух оксиди 32 қисми;
- Сувсиз ланолин 9,9 қисми;
- Суюқ парафин 11,3 қисми;
- Неозон Д 0,75 қисми.

Лейкопластқрь тайёрланиш жараёни бир неча босқичдан иборат:

- табиий каучукни канифоль ва бензинда эритиш;
- ланолин ва суюқ парафиндан эритма тайёрлаш;
- майда уқаланган рух оксидиға қўшиб юбориш;
- каучук қаришға қарши паста тайёрлаш.

Лейкопластырь тайёр малҳами шифон матоға махсус клей суртадиган машинада амалға оширилади, бунда малҳам массанинг қалинлигини 5-6 маротаба суртиш билан эришилади. Лейкопластырь тасмалар узунлиги 1 ва 5,2 м. Булган картон шпуляларға

ўралади ва керакли ўлчамдаги катушкаларга кесилади. Малхам сифати қуйидаги кўрсаткичлар бўйича баҳоланади. : қатламнинг қалинлиги (1 м малхамда 120г.дан кам бўлмаган лейкомацца бўлиши керак); узилиши (е 100 г/см² дан кам бўлмаслиги керак); кислота рақами (32-37); рух оксиди миқдори (29-34%).

Қадоқ учун «Салипод» малхами (*Emplastrum adhaesivum ad clavos Salipodum*) - бу матога суртилган , таркибида доривор воситалар и бўлган (салицил кислотаси) устида целлофан қобиғи бўлган лейкомацца.

Қалампирли малхам (*Emplastrum Capsici*) - усти целлофан билан қопланган , ўзига хос хиди, ола – сариқ рангли бўлган , матога суртилган ёпишқоқ мацца. Подагра, артрит, радикулит, люмбагода чалғитувчи ва оғриқ қолдирувчи восита сифатида , нафас йўллари катаридида қўлланилади.

15.4.4. СУЮҚ МАЛХАМЛАР

Тери елимларининг шакллари турли хил бўлади. Охирги вақтда аэрозоль шаклидаги суюқ малхамлар кенг қўлланилиб келяпти. Зарур бўлган эластиклик хосил қилиш мақсадида суюқ малхамлар таркибига турли хил пластификаторлар қўшилади.

Коллодий (*Collodium*) - бу 76 қисм эфир, 20 қисм этанол аралашмасида 4% коллоксилин эритмаси. Хирургик боғламларни мустахкамлаш ва кичикроқ жароҳатларни қоплаш учун қўлланилади.

Коллоксилин (нитроцеллюлоза) - моно-ва динитрокетчатка целлюлоза аралашмаси. Портловчи модда бўлганлиги учун , уни хавфсиз студень холатида транспортировка қилинади. Малхамни тайёрлаш учун студень ичидаги сув сиқиб чиқарилади, бунда коллоксилина алкогел хосил бўлади, кейинчалик у эфирда эритилади. Хирургик боғламларни мустахкамлаш ва кичикроқ жароҳатларни қоплаш учун қўлланилади .

Коллодий эластик (*Collodium elasticum*) - бу пластификатор сифатида 3% канакунжут мойи қўшилган коллодий. Эритувси парлангандан сўнг терида эластик пленка қолдиради.

Қадоқни даволовчи суюқлик (*Liquor ad clavos*) таркибида салицил кистлота 1 қисм, 96% этанол 1 қисм, коллодий 8 қисм ва бриллиант кўки 0,08 қисми бор.

Коллапласт (*Collaplastum*) - коллодийдаги 5% канакунжут мойининг эритмаси.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. *Медицинская реабилитация* : учебник / Г. Н. **Пономаренко**. — М. : ГЭОТАР-Медиа, 2014

2. Минаварова Г.М. Аспекти обучения профессиональному языку студентов медвузов *Scientific Bulletin of NamSU - Научный вестник - NamDU ilmiy axborotnomasi - 2022_2-сон*

3.Рахматова З.М. Роль интерактивных методов в обучении студентов самостоятельному мышлению. - *Экономика и социум №10 (101)2022*

4.Минаварова Г.М. Фармацевтик саноатда ишлаб чиқариладиган малхамлар классификацияси *Экономика и социум №3 (118 -)2024*